

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 230 (10.033)

2003 ЙИЛ 27 НОЯБРЬ

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 24-26 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Болгария Республикасида бўлди.



Ўзаро ҳамкорлик истикболларининг устувор йўналишларини белгилаб олиш, ҳуқуқий асосни кенгайтириш, жамият ва иқтисодийётни ислоҳ этиш борасида таҳриба алмашиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш мақсад қилинган ушбу ташриф Ўзбекистон-Болгария муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. 14 ҳужжат имзолангани дўстлик, Ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги алоқаларнинг барқарорлиги ва давомийлигига яна бир тасдиқ бўлди.

Ўзбекистон учун Болгария билан ҳамкорлик ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоний аъзоси, 2004 йили Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик таъминловнинг раҳбарлигини қабул қилиш ва НАТОга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиш арафасида турган бу мамлакатнинг Ўзбекистонга хайрихоҳлиги биз учун катта имкони-

ятлар эшигини очади.

Давлат ташрифи асносида Ўзбекистон раҳбари Болгария Республикаси Халқ йиғини раиси Огнен Гержиков билан музокара ўтказди. Учрашувда Ўзбекистон билан Болгария ўртасида парламентларо муносабатларни ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорликка оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама этилди.

Ислон Каримов Болгария Бош вазири Симеон Сакскобургготский билан учрашди. Музокарада асосан савдо- иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Болгария дўстлик ришталари мустаҳкам, қарашлари уйғун мамлакатлар билан алоқаларини янада ривожлантириш ниятида. Ўзбекистон Болгария учун шундай мамлакат ҳисобланади.

Мамлакатлар хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш борасида ҳам бир хил фикрда. Ўзбекистон каби Болгария ҳам ўз минтақасида наркотик моддалар контрабандаси йўлидаги энг катта тўсиқ саналади, халқаро аксил-террор коалициясини дадил қўллаб-қувватлаган давлатлардан.

Президентлар муҳокама этилган барча масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Болгария бир-бирини узоқ муддатли ва ишончли шерик деб билишини қайд этди. Ислон Каримов Болгариянинг халқаро майдондаги нуфузини кузатиб келаётганини айтган бўлса, Георги Парванов эса Ватанимизнинг раҳбари юрифтаган сиёсатнинг барқарорлиқни сақлашдаги аҳамиятига юксак баҳо берди.

Ўзбекистон-Болгария муносабатларининг янги поғонага қўта-

рилишида икки давлат раҳбарининг хизмати бекиёс. Ташриф юксак савияда ва самарали ўтгани уларнинг ҳамфикрлиги, ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижаси, десак, ўринлидир. Сафар чоғида Ўзбекистон раҳбари Болгария давлатининг юксак мукофоти - «Старо планина» ордени билан, Георги Парванов эса Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Учрашувлардан бирида мамлакатимиз раҳбари Болгария томонининг бир фикрига гўзал тузатиш киритди. Яъни, бу мамлакат София наздидаги каби «Улкан Европа бозорига кичкина эшик» эмас, ҳақиқий дарвоза, мустаҳкам кўприк бўлиши керак. Ўзбекистон учун Осиёдаги таянч нукта вазифасини бажаришга тайёр.

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси

Барча маълумотлар олинган сўғиш хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига муборақ Рамазон ҳайити муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий кутловлар келмоқда.

• Кеча Олий Мажлисининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентимизнинг бўлажак XIII сессияси кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди.

• «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазмалар марказида дори воситалари ва тиббийёт маҳсулотларининг «Фармация-2003» 4-республика ярмаркаси очилди. «Ўзфармсанаят» давлат акциядорлик концерни томонидан ташкил этилган ярмаркада мамлакатимизда фаолият кўрсатган 60 га яқин корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

• Америка Халқаро Таълим Кенгаши (АКСЕЛС) АҚШ элчихонаси билан ҳамкорликда Республикаимизда Халқаро таълим ҳафталигини ўтказди.

• Халқ таълими вазирилиги, республика таълим маркази ҳамда «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташаббуси билан атоқли маърифатпарвар Шокрижон Раҳимий таваллудининг 110 йиллиги кенг нишонланди.

Жаҳонда

• Келгуси ҳафтада АҚШ Президенти маъмурияти Тбилисига бир қатор Америка идораларининг вакиллари делегациясини жўнатади. Улар Грузиянинг янги маъмурлари билан музокара олиб боришади.

• Филиппиннинг кино юлдузи Фернандо По-кичина кеча 2004 йилдаги Президент сайловларига ўз номзодини қўйишини расман эълон қилди.

• АҚШда Нью-Йоркдаги Кеннеди номли аэропортнинг 25 нафар ходими йирик микдордаги гиёванд моддаларнинг контрабандаси билан шугулланганликда айбланган ҳолда ҳибсга олинди.

• Бундан бир ой муқаддам Ўзининг охириги парвозини амалга оширган товушдан тез учувчи «Конкорд» самолётларининг издоши пайдо бўлди — EADS Европа авиакосмик компанияси янги товушдан тез учувчи самолётни яратиш режаларини эълон қилди. Мўлжалга кўра янги ҳаво кемаси «Конкорд»дан икки баравар тез учади.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

• **ЯПОНИЯ** ҳукуматининг беғараз ёрдами туфайли грант шартномаси асосида Мирзо Улугбек тумани ободонлаштириш бошқармасига йўл қўрилиши учун зарур бўладиган техника жиҳозлар топширилди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармасида ташкил этилган тадбир «Оғоҳликка даъват» деб номланди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** 256-мактабда уюштирилган тадбир болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланди.

• **МИРЗО** Улугбек туманидаги «Навбахор» маҳалласида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

• **ҲАМЗА** туманидаги «Тарновбоши» маҳалласида бўлиб ўтган хайрия тадбирида кам таъминланган оилалар фарзандларига совғалар берилди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги 103-маҳсул мактаб-интернатда тарбияланувчилар учун хайрия тадбири уюштирилди. Ҳомийлар томонидан тўхфа этилган совғалар болаларни хушнуд этди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида ташкил этилган тадбир ва деворий газеталар кўриги «Муסיқа — СПИД, гиёвандликка қарши» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

АБДУЛХОЛИҚ ГИЖДУВОНИЙ ВА ТАСАВВУФ

Бухорода улуг аллома Абдулхолиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди. Қадим Бухорога Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюрди.

«Бухоро» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Абдулхолиқ Гиждувоний ва тасаввуф» мавзuida илмий конференция бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Фаолар академиясининг вице-президенти Тўра Мирзаев бошқарди.

Анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов, Ўзбекистон Қхрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн, Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Музроб Бўронов ва бошқалар сўзга чиқиб, алломанинг ҳаёти ва фаолияти, у зот қолдирган улкан илмий мероснинг аҳамияти хусусида гапирди.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний таълимоти инсонга муҳаббат, алоқатларварлик, бағрикенглик, ҳалоллик, ватанга садоқат руҳи билан сугорилгани боис асрлар оша ўз маърифий аҳамиятини йўқотмай келаятгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов сўзга чиқди.

Илмий конференцияда Бош вазир ўринбосари А.Азиз-хўжаев иштирок этди.

Ў.А.

Транспорт

ЭЛЕКТР ПОЕЗДЛАРИ САМАРҚАНДГА КАТНАЙДИ

Ўзбекистон темир йўлларининг қатор йўналишлари тўла электрлаштирилган. Бу эса поездларнинг манзилларга тез етиб бориши учун пухта замин ҳозирлади.

Тошкент-Самарқанд шаҳарлари оралиғида электр поездлари қатнови йўлга қўйилаётгани ҳам айтиш мумкин бўлди. Янги йил арафасида амалга ошириладиган бу саъй-ҳаракат йўловчилар учун катта қулайлик туғдиради.

Уч ўз километрик масофани ташкил этган бу йўналишда олти та тежорат электр поездди қатнайди. Улар Хитой машинасозлари томонидан республикамизда фойдаланиш учун масхус тайёрланди. Электр поездларда йўловчиларга намунали маданий хизмат кўрсатиш учун ҳам имкониятлар яратилди.

Акбар АЛИЕВ

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор берилди. Чунки икки томонлама савдо ҳажми томонларни бирдек ташвишга солиб турган эди. Бу борадаги кўрсаткич 10 миллион АҚШ долларига ҳам етмаётгани кўплаб имкониятлар ишга солинмай келаятганини кўрсатади. Ислон Каримов таъбири билан айтганда, 5-10 миллион долларлик кўрсаткичга битта шартнома билан ҳам эришиш мумкин.

Савдо ҳажми камлигига қатор сабаблар бор. Аввало, ҳуқуқий асос тақомиллашмаган. Гап икки томонлама солиқ солишининг олдини олиш, сармояларни ҳимоялаш ва кафолатлаш, банкларро алоқани мустақамлаш ҳақида кетмоқда. Ташриф чоғида бу муаммоларга барҳам берилди. Ҳуқуқий асос мустақамланди, яъни ўндан зиёд ҳужжат имзоланди. Айтишса, даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солишдан қочиш, темир йўл транспорти, сайёҳлик соҳаларига оид, Ўзбекистон То-вар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkorлар палатаси билан Болгария Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ислон Каримов иқтисодий шароит, сармоявий муҳит ҳақида ҳам томонлар етарлича маълумотга эга эмаслиги туфайли товарлар ва хизматларни ҳаракат келтириш суғлигини таъкидлади. Қисқаса, ушбу ташрифга қадар қандай махсулотни олиш ё сотиш, қандай хизмат туридан фойдаланиш ё таъкил этиш керак, деган саволлар жавобсиз эди. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Болгария ҳукуматлараро комиссиясининг ташриф арафасида ўтказилган йиғилишида бу масалага ойдинлик киритилди.

Президентлар комиссия фаолиятига юқори баҳо берди. Зеро, сафарнинг иккинчи куни ўтказилган Ўзбекистон-Болгария бизнес-форумида мезбон томондан саксонга яқин корхона ва ташкилотдан вакиллар қатнашди. Ишби-

лармонлар шу ернинг ўзиде тўқимачилик ва фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пойабзал тиқиш, мева-савзавотни қайта ишлаш, озиқ-овқат, гўшт-сут ва бошқа махсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш каби соҳаларга оид йиғирмадан зиёд лойиҳани муҳокама қилди. Улардан техникавий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилганларининг умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларидан ошди. Кўриниб турибдики, изласа имкон топилади. Бу лойиҳалар янгиланган ҳамкорлиқнинг дебочаси эканлигини ҳисобга олсак, иқтисодий алоқаларимиз кўлами яқин йилларда бир неча баробар ошишига шубҳа йўқ.

Икки томонлама ҳамкорлиқнинг муҳим бўғинларидан бири транспорт коммуникациясидир. Худудидан бир неча транспорт йўлакларни ўтган, Бургас, Варна, Русе шаҳарларида замонавий бандаргоҳларга эга бўлган Болгария биз учун, ҳақиқатдан ҳам, Европада кўприк вазиёсини ўташи мумкин. Ислон Каримов 1998 йил Болгарияга сафари чоғида Варнадаги порт билан танишган эди. Бу гапга ташриф давомида Бургас шаҳрига бориб, Болгариянинг транспорт салоҳияти билан янада яқинроқ танишди.

Бу мамлакатда юк ташиш имкониятлари катта. Бандаргоҳлар яхши жиҳозланган, катта миқдордаги юкни орттириш, тушириш ва саклаш имкониятлари бор, улар автомобиль ва темир йўл тармоқларига уланган. Уч томонлама келишувга биноан Варна портида Украина ва Грузиядан паромда келтирилган ёки жўнатиладиган юк давлат тўловларидан озод қилинади. Мисол учун, Варна-Ильичевск-Поти/Ботуми йўлида тўрт паром ҳаракатланади. Улардан иккитаси Болгарияга тегишли бўлиб, ҳар бири 108 вагон юкни сиғдира олади.

Хизмат кўрсатиш даражаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги маълумотни келтириш қийфа. Поезднинг тайёрлаш, ҳужжатлаштириш ва божхона қайди учун атиги уч соат керак бўлади.

Албатта, бу сифатлар Ўзбекистон талабларига мос келади. Ислон Каримов

бу соҳадаги ҳамкорликка тўхталиб, бир неча масалага изоҳ берди. Аввало, транзит мамлакатлар билан келишган ҳолда кўп томонлама ҳужжат тузиш даркор. Шундагина Ўзбекистон Болгариягача бўлган мустақам йўлдан узлуқсиз фойдаланиши мумкин. Президентимизнинг фикрича, бу ишда Болгария ташаббус кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, юк ташиш биринчи галда гуманитар фаолият ҳисобланади. Чунки у савдонинг ривожлантириш ва шу орқали алоқаларни мустақамлаш ҳамда халқлар фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз Ўзбекистон билан Болгария ўртасида божхона соҳаси бўйича битим тузиш таклифини билдирди. Божхонадан ўтишининг енгиллаштирилиши бизга Европада йўлни кенгайтириш, Болгария учун Марказий, Жанубий, Жануби-шарқий Осиё минтақаларига чиқиш имкониятларини оширади.

Икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш имкониятлари ҳақида гап кетганда, сайёҳлик соҳасига тўхталмай илож йўқ. Болгария сўнгги йилларда бу борада улкан ютуқларга эришмоқда. Ислон Каримов сафарининг сўнгги нуктаси бўлган Несебир шаҳрида мамлакатларимиз ўртасида консуллик конвенцияси имзолангани чуккур рамзий маънога эга эканлигини таъкидлади. Зеро, Несебир Болгариянинг йирик сайёҳлик марказларидан биридир.

Ислон Каримовнинг Болгарияга қилган давлат ташрифи икки томон учун ҳам гоят фойдали натижалар билан якунланди. Таъкидланганидек, булар бошланиши, холос. Томонлар бир-бирининг имкониятларини энди тўлиқ ўрганиб чиқди. Муҳокама қилинаётган тақлифлар, лойиҳалар кўп. Президентимизнинг мазкур ташрифи ҳамкорлик учун талай янги имкониятлар очгани билан Ўзбекистон-Болгария муносабатлари солномасидаги ёрқин саҳифа сифатида тарихга кириши, шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири,
Тошкент-София-Бургас-Несебир-Тошкент.

ДЕМОКРАТИЯ МАҚТАБИ

Куни кеча Миробод туманидаги «Оқ уй» маҳалласида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши кўтаринки кайфият, қизгин баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтди. Маҳаллада сайланган 89 нафар вакил, 78 та қатнашчи, 24 нафар таъкил қилинганлар иштирокида бўлиб ўтган ушбу сайловда маҳалла оқсоқоли Анвар Икромовнинг 2,5 йил мобайнида маҳалла ободлиги, ёш авлод камолоти йўлида қилинган ишлари сарҳисоби тинг-ланди.

— Маҳалла худудида 15 та кўча бор, — дели жумладан оқсоқол ўз ҳисоботида. — Уларнинг барчасини таъмирлаб, асфальт ётқириш, канализация ўтқириш, эски симёчларни алмаштириш бўйича иш олиб бораёмиз. Маҳалламизда истиқомат қилаётган 1300 га яқин оиланинг ҳар бирининг ҳолидан хабар олишга, имкон борича моддий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқдамиз. 2,5 йил мобайнида 13 000 000 сўм пул ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, ёш болалари бор оилаларга ажратилди. Савобталаб бўлган, қийналган оилаларга беминнат ёрдам қўлини қўзғатган тadbirkorларимиз ҳар бир байрамда совға-салом, озиқ-овқат махсулотлари билан ҳамиша кўмак бериб келмоқдалар. 35 та уруш қатнаш-

чиларига эса мунтазам ёрдам кўрсатилмоқда. Турли миллат вакилларидан иборат бўлган маҳалламизда тинчлик-тотувлик сақланиши, воёга етмаган ёшларнинг тўғри тарбия топишида посбон-сардорлар, педагог-тарбиячи Ҳилола Ик-

воблар бўлиб ўтди. Маҳалла фаоллари сўзга чиқиб амалда қилинган ишлар, ечимини кутатган муаммолар ҳақида ўз хулосаларини, тақлифларини билдирдилар. Йиғилиш қатнашчилари иккала ҳисоботни қониқарли деб топдилар. Сай-

ЭЛ ИШОНЧИ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Айни кунларда шаҳримиз маҳаллаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари яқдиллик билан ўтказилмоқда. Бўлиб ўтаётган сайловларда кўриниб турибдики аҳолининг сиёсий онги, ҳуқуқий саводхонлиги, фаоллиги ва уюшқоқлиги янада ошган. Маҳалла оқсоқолидан ҳам шунга яраша талаб бўлмоқда.

ромованинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Иш бор жойда камчилик бўлиши шубҳасиздир. Обод маҳалла йилида ободонлаштириш, қўқалмзорлаштириш, ҳудудимизни ораста ва покиза масканга айлантириш борасида анча юмушларни амалга оширдик. Лекин ушбу маган ишларимиз ҳам етарли. Ўйлайманки, келгусида ақиллик, тотувлик, баҳамжиҳатлик билан мўлжалдаги юмушлар амалга оширилади.

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг раиси Мурот Ҳасановнинг ҳисоботи тинг-ланди. Иккала ҳисобот юзасидан очик, қизгин баҳс-мунозарали фикрлар, савол-жа-

ланадиган оқсоқол ана шу камчиликларга йўл қўймаслиги, гайрат ва шижоат билан ишга киришиб, эл-юрт ташвишини оқилона, одилона ҳал қилиши кераклигига алоҳида ургу берилди.

Шуниндек, ушбу ҳисобот-йиғилишида 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси ва 17 нафар гайратли, ёш фаоллардан иборат оқсоқолнинг маслаҳатчилари сайланди. Очик овоз бериш йўли билан маҳалла оқсоқоли Анвар Икромов яқдиллик билан қайта сайланди. Маҳалла котиби Мукаррам Асонованинг келгусида ҳам ўз ишини давом эттиришига ишонч билдирилди.

Тadbirkor сўнггида оқсоқол сўзга чиқиб, ўзига билдирилган юксак ишонч учун маҳалладошларига миннатдорчилик изҳор этди. Ва келгусида эрта-миз эгалари бўлмиш ёшларнинг яхши тарбия топишлари, спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилиш, маҳаллада бошланган ободонлаштириш, чойхонани таъмирдан чиқариш, камхарж, ёрдамга муҳтож оилаларга янада эътибор қаратиш каби қай-рилли юмушларга маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатликда кири-шиниша ваъда берди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишидан қониқиб ҳосил қилиб қайтаётган аҳолини кузатар экансиз, сайловларнинг нечоғлик катта аҳамият касб этаётганининг, маҳаллага бўлган ишонч-эътиборнинг яна бир қарра ошганининг гувоҳи бўлиш қийин эмасди. Зеро, бугун оқсоқолни сайлаган халқ эртага жавобни ҳам ундан ку-тали, бирга ишлайди. Ҳаётнинг қувонч шодлигини бравар баҳам кўради. Эл ишончи эса улуг бахт, унга эришини ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Эл «ҳорманг, оқсоқол», деганда жавоб бериш учун эса иш-лаш, ишлаганда ҳам фидойилик жонкуярлик, жонфидолик билан фаолият кўрсатиш ке-рак. Оқсоқолдан эл шунини ку-тали.

(Ўз мухбирими)

Санаъат ҲАМКОРЛИКДАГИ СПЕКТАКЛЛАР

«Илҳом» театр-студияси билан «Моссовет» номидаги Москва театри ўртасидаги ижодий ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Ўзаро ижодий тажриба асосида янги спектакллар сахна юзини кўрмоқда. Театр-студия яқин орада ҳамкор санъат қосонасида навбатдаги постановкани амалга оширади. Шу мақсадда театрнинг бадий раҳбари Марк Вайл Москвага жўнаб кетди.

Бу ижодий сафар давомида у драматург Эжен Скрибининг «Аёллар уруши» деб номланган асарини сахнага олиб чиқди. Ўз навбатида москвалик режиссёр санъаткорлар ҳам Тошкентда ўз режиссёрлик маҳоратини кўрсатадилар.

«ҚИРМИЗИ ОЛМА» ОММАЛАШДИ

«Қирмизи олма» деб номланган постановка талаба-ёшларда яхши таассурот қолдирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси сахнасида постановка қилинган бу кувноқ асар томошабинни ҳақгўйликка, ҳалолликка даъват этади, миллий урф-одатларни қадрлашга ундайди.

«Қирмизи олма» эндиликда Тошкентдаги олий ўқув юртлири талабалари эътиборини ўзига жалб этмоқда. Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент давлат авиация институти талабалари ҳам постановкани завқ билан томоша қилдилар. Оммалашган бу спектакль ўзининг сахна безаклари ва мусиқа оҳанглари билан ҳам манзур бўлмоқда.

БАХТЛИ БОЛАЛИК ТАРОНАЛАРИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Давр садолари» мусиқа фестивали доирасида болалар учун ташкил қилинган концерт муваффақиятли ўтди.

Бастакорлардан Шермат Ёрматов, Ҳабибулла Раҳимов, Аваз Мансуров, Баҳрилла Лутфуллаев ва бошқаларнинг болаларга бағишлаган ёнги кўйиқлари ҳам яхши кутиб олинди.

«Булбулла» болалар хорижий жамоаси ёш хонандалари ижро этган тароналар мусиқа оқшомида алоҳида фэйз киритди. Концертда республика ўқувчилар саройи мусиқа тўғрисидаги ҳам ўз ижрочилиқ маҳоратларини намойён этдилар.

Акбар АЛИЕВ

Конституциямиз яшамокда ва амал қилмоқда ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Зеро, инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари мўқаддас ҳисобланади. Шу боисдан улар давлат томонидан ҳимоя қилинади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз бугунги кунда суверен давлатимизни қонуний — ҳуқуқий жиҳатдан шакллантиришнинг асоси бўлибгина қолмай, балки шу заминда яшаётган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолати ҳамдир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Конституция — нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболлини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургучи маъқидир.

Ўтган қисқа давр мобайнида Бош Қомусимиз асосида жамиятимизда юз берган ижобий ўзгаришлар, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари йўлида амалга оширилган ишлар тисмолида у ҳақиқий маънода маёқ вазирасини ўтади. Барча фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглиги ҳамда қонуннинг ҳамма нарсадан устунлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлат шаклланишида ҳам бу ҳужжатнинг ўрни беқиёс бўлди.

Конституциянинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий маъқидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар...» деб қайд этилган. Бу қоида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси моддаларига тўла-тўқис мос бўлиб, мазкур декларациянинг 1-моддасида «барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар. Улар ақл ва виждон соҳибидилар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишлари зарур»

лиги айтиб ўтилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари декларацияси» алоҳида ўрин тутди. Шу маънода Конституциямизнинг ушбу ҳужжатга ҳамоханлиги диққатга сазовордир. Ўзбекистон Рес-

ат қилиш ҳуқуқлари каби сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимояси тўла кафолатланган.

Конституция асосида фуқаролар давлат ва жамият ишларини идора этишда фаол қатнашиш ҳуқуқига эга. Сайлов тизимида ҳеч қандай синфийлик, миллийлик, irqий камситиш, мулк қисқартириш йўқ. Конституциямизда ҳар бир фуқароннинг irqи, миллати, дини, жинси, диний эътиқоди, маълумоти, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи белгиланган берилган.


Конституция асосида яратилган «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида», «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга муурожаат қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида Сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги Қонунлар ва бошқа ҳужжатларда улар тўла ўз ақсини топади.

Конституция ва қонунларимиз фуқаролар учун ҳам, давлат учун ҳам ҳаётий зарур ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат томонидан эълон қилинган қоидаларнинг ҳаёта татбиқ этилишида ҳақиқий ифодасини топади.

Давлат ва жамиятнинг бугуни ва келажиги белгиланган берадиган Асосий Қонун — Конституция эканлигини эътироф этадиган бўлса, қомусимизнинг ривожланган демократик давлатлар олимлари, экспертлари томонидан ижобий баҳоланганлиги буюк келажигимиздан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, ҳаёти ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилган.

Элдор ПЎЛАТОВ,
ҳуқуқшунос.



Инсоният тараққиёти умуминсоний қадриятларнинг чинакамига қарор топиши, демократик тамойилларнинг амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг учун эса ҳар бир мамлакатда ана шу юксак даражага етиш учун мустахкам асос яратилиши лозим. Жаҳон айвонида мустақил давлат сифатида майдонга чиққан мамлакатимизда даътавал шу асос — ҳар томонлама мукамал, шу юрда яшаётган фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимоячиси, орзу-умидларининг тамал тоши — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яратилди.

публикаси Конституцияси ва қабул қилинган барча қонунчилик аклари инсоннинг давлат олдида устуворлигидан келиб чиқади. Фуқароларнинг қуйидаги ҳуқуқ ва эркинликлари мажмуи тўғрисида-тўғри Конституция ҳимоясида бўлади: шахсий индивидуал эркинлик, оммавий эркинлик, мулк эркинлиги ҳамда демократия ҳуқуқи.

Шунингдек, унда шахс эркинлиги ва фуқаро тенглиги, шахс дахлсизлиги, ҳусусий мулк, сайлов ва бошқа ҳуқуқлар ҳам тартибга солинган. Жумладан, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам Конституциямизда тўла акс этирилган. Унда сайлаш ва сайланиш, жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш, референдумларда иштирок этиш, муурожа-

мужассамлаштирган бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат томонидан эълон қилинган қоидаларнинг ҳаёта татбиқ этилишида ҳақиқий ифодасини топади.

Давлат ва жамиятнинг бугуни ва келажиги белгиланган берадиган Асосий Қонун — Конституция эканлигини эътироф этадиган бўлса, қомусимизнинг ривожланган демократик давлатлар олимлари, экспертлари томонидан ижобий баҳоланганлиги буюк келажигимиздан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, ҳаёти ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилган.

Элдор ПЎЛАТОВ,
ҳуқуқшунос.

Ўзбекистон Гранлар академиясининг 60 йиллиги олдидан

Аждодлардан қолган нодир қўлёмаларни ўрганиш бу борада ўзига хос аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, академик Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ бу ҳақда ўзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Илм-маърифатни инсонни камолотга етакловчи йўл деб билган буюк аждодларимиз бизга бу борада улкан илмий мерос қолдирган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»-ги қароридида қайд этилганидек, Марказий Осиё, ҳусусан, Ўзбекистон заминидида такомил топаган илм-фан марказлари фаолияти илдизи қадим замонларга бориб тақалади.

Бундан неча-неча минг йиллар аввал Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Фарғона ва юртимизнинг бошқа ҳудудларида илм-фан марказлари шаклланишга ҳақидаги маълумотлар кўплаб манбаларда учрайди. У даврларда айнан «академия» атамаси қўлланилган бўлсада, бундай илм даргоҳларида етук салоҳиятли олимлар жамланиб, фаннинг турли жиҳатларини тадқиқ этиш билан шуғуллангани фикримизни исботлайди.

XIV-XV асрларда Темурийлар даврида Самарқандда Улугбек академияси вужудга келган. Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси, буюк мунажжим Мирзо Улугбек ўз ёнига кўплаб фан намояндаларини йиғиб, илмий-

ижодий муҳитни шакллантирган. XVIII-XIX асрларда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон шундай аънанани давом эттирган.

Вазирлар Маҳкамасининг қароридида Фанлар академияси фаолиятини янада ривожлантириш, жумладан, ижтимоий фанлар — фалсафа, тарих, тил қонунчилигини, нобб қўлёмаларни

ичига қамраб олади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фанга муносабат тубдан ўзгарди. Тарихни тўғри ва ҳаққоний ёриш ҳамда халққа етказиш вазифаси қўйилди. Институтиимизда бу жабҳада кенг қўламли ишлар бажарилаётди. Ислам дини

лар томонидан эътироф этилган. Улар ўз юртлири тарихини ўрганишда институтиимиз хазинасида сақланаётган манбаларга муурожаат қилади, олимларимиз билан маслаҳатлашади.

Бир қанча хорижий мамлакатларнинг йирик шарқшунослик марказлари билан институтиимиз олимлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик натижаси ўлароқ, қўлёмалар хазинасида сақланаётган нобб манбаларни тадқиқ этиб, нашр қилиш имконияти тугилмоқда.

«XIX-XX аср бошлари Хива қозилик ҳужжатлари» фикристи Японияда босмадан чиқди.

«Хожа Убайдуллоҳ Ахрор ва унинг муридларининг Хиротдаги Темурийлар саройига ёзган мактуб-дастхатлари» деб номланган янги изланишлар натижаси Голландияда нашр этилди. Бу мактуб-дастхатлар XV асрда Мовароуннаҳрда яшаб ўтган йирик дин арбобларининг Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий каби арбоблар билан сиёсий, иқтисодий, маданий масалалардаги ёзишмалари.

Шунингдек, Германияда, Эронда, Францияда олимларимиз ва хорижий мутахассислар ҳамкорлигида яратилган бир қанча китоблар чоп этилди. Бундай ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Илмий жамоамиз Фанлар академиясининг қўлтуғ тўйини илм-фандаги улкан ютуқлари билан кутиб олиш мақсадида фаол изланмоқда.

ЎЗА мухбири
Баҳор ХИДИРОВА
ёзиб олди.

БИТИКЛАРДА БЕРКИНГАН ДУНЁ

Мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, ўтмишда яшаб, ижод этган алломаларимиз меросини теран тадқиқ этиш, улғайиб келаётган авлодни бебаҳо тарихий мерос ҳамда қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашга асосий эътибор қаратилмоқда.

ўрганиш борасидаги вазифалар белгиланган берилган.

1943 йил иш бошлаган Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ташкил топиш шарқшунос олимларнинг бошини қовуштириш имконини берди. Бугунги кунда мазкур илм даргоҳи мавжуд илмий салоҳияти ва бой қўлёмалар манбалари жиҳатидан МДХ мамлакатларида етакчи ўринни эгаллайди.

Айни пайтда у жаҳондаги энг йирик қўлёмалар хазинасига эга бўлган даргоҳлардан биридир. Бу ерда ўзбек, араб, форс ва бошқа тилларда битилган ўттиз минг жилдага яқин қўлёмалар сақланмоқда. Улар фаннинг қарийб барча соҳаларини ўз

тарихи ва исломшунос олимлар фаолиятини ўрганишга кенг йўл очилгани боис Бухорий, Мотуридий, Маргиноний, Нақшбанд, Гиждувоний сингари алломаларнинг маънавийтиимиз тарихидаги бемис уллуши олимларимиз томонидан кенг тадқиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда иш юритаётган шарқшунослик мактаби шаклланишида бу соҳага умрини башида этган олимларимизнинг хизматлари беқиёс. Қадимий қўлёмаларнинг сирасори араб, форс, урду тилларини мукамал эгаллаган шарқшунос олимларимизнинг изланишлари натижалари ўлароқ очилмоқда.

Институтиимизнинг илмий салоҳияти хорижлик мутахассис-

Муҳожаба

Маҳаллага кириб борар эканмиз икки киши суҳбатининг гувоҳи бўлдик:

— Ассалому алайкум, Асрор ака, йўл бўлсин?

— Набирин Асилбек ҳарбий хизматдан йигитлик бурчини бажариб қайтганидан хабарингиз бор. У билан меҳнат бўлимига кетяпмиз. Невара келиним Ҳилолаҳон учун ўқишга йўлланма олиш ҳақида ҳам маслаҳат олмоқчиман.

— Жуда тўғри ўйлабсиз, ишингиз ўнгидан келсин.

Юкорида тилга олинган Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Чилонзор тумани меҳнат бўлимида биз ҳам бўлиб, унинг раҳбари Нуршод Ғиёсов билан Ҳилолаҳон учун ўқишга йўлланма олиш ҳақида ҳам маслаҳат олмоқчиман.

ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗАГА ЭЪТИБОР

— Нуршод ака, айтингчи жорий йил бошидан буюн меҳнат бўлими томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Пойтахтдаги барча меҳнат бўлимлари сингари, бизнинг ҳам асосий вазифамиз туманимиздаги иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, касбга ўргатиш, қайта ўқитишдир. — Жумладан, ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларда икки ёшгача ва ўн саккиз ёшгача нафақа олувчиларга ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорига тенгма-тенг рақобатга кириша олмайдиган қисми: ёшлар, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган оналар, ногиронлар, мактаб, ўрта махсус касб-хунар коллежлари, олий ўқув юр்தларининг битирувчилари, жазони ўташ жойларидан бўшаб келган фуқароларга ёрдам кўрсатиш меҳнат бўлими мустақил ҳодимлари амалга оширадиган ишлар сирасига кирилади.

Барча ишларни асосан Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Адлия вазирлигида тасдиқланган «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва асосан «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан берилган йўналишлари бўйича ташкиллаштирилган.

Меҳнат бўлимига жорий йил бошидан (ноябрь ойига) 1639 нафар фуқаро иш қидириб муружаат қилди. Улардан 1215 нафари иш билан таъминланди. Жумладан, 1908 нафар фуқаро маслаҳат олди, қайта касбга ўқитиш учун 344 нафар фуқаро юборилди ҳамда 137 нафар фуқаролар жомаот ишларига жалб қилинди.

Бундан ташқари Чилонзор туманида истиқомат қилувчи 520 нафари маҳалла назорлари томонидан рўйхатга олинди ва уларнинг бандлиги таъминланди.

Белгиланган муддатини ўтаб қолган шахсларни ишга жойлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармони билан бажариш мақсадида 2003 йил бошидан 139 нафар фуқаро меҳнат бўлимида қабул қилинди. Шундан 45 нафари амнистияга чиққанлар, 24 нафар фуқаро иш билан таъминланди. 1 киши ўқишга юборилди.

— Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилаётган эътибор ҳақида ҳам гапириб берсангиз...

— Туманимиздаги ҳам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида меҳнат бўлими билан ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида иш олиб бормоқда. Йил бошидан буюн шу мақсадларга 7552 та оилага 61671,9 минг сўм ёрдам пули тайинланди, 2406 та оилага эса 100378,9 минг сўм миқдоридан нафақа пули берилди.

Эътиборли томони, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида жорий йилда 578 нафар фуқарога ишсизлик маъноси берилди, 418 фуқарога эса ишсизлик нафақаси тайинланди, у ҳаммаси бўлиб 7339907,62 сўмини ташкил этади. Корхона, ташилотларда ишловчи 35 нафар фуқаролар муддатидан аввал нафақага чиқиш учун туман ижтимоий-таъминот бўлимига юборилди. 20 нафар фуқаро эса махсус квоталанган иш жойларига жойлаштирилди.

— Пойтахтимизнинг барча туманларида меҳнат бўлими фаолият олиб бораётганига қарамай меҳнат бозорига иш билан банд бўлмаган аҳолининг сони анчагина...

— Саволингизни тушундим. Бизнинг меҳнат бўлими эшиклари барча ҳамшаҳарларимизга очик. Биз меҳнат бўлими орқали ўз навбатида иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга оламиз. Лекин шунини таъкидлаб



2003 — Обод маҳалла йили

ИЗЛАНИШ БОР ЖОЙДА...

Мустақиллик шарофати билан кейинги йилларда азалий кадриятларимиз, боқий аъналар, миллий урф-одат, таълим ва тарбия маскани бўлган маҳаллаларга берилаётган эътибор таҳсинга лойиқдир. Яққасарой туманида жойлашган «Бошлик» маҳалласи тинч-осойишта, одамлари аҳил-иноқ, тўю маъракалари бамаслаҳат ўтадиган, ораста, ибратли масканлардан биридир.

«Бошлик» маҳалласида бугунги кунда 11.250 нафар фуқаролар истиқомат қилади. Инсон яралгандан буюн яхши ният билан яшайди. Оила қуради, фарзандларни тарбиялайди, қандайдир қилиб миллий урфларимизни бажо келтиради. Ҳаётимиз гўзал, ибратга лойиқ тарзда ўтишида, кишиларнинг бахтли бўлишларида уларнинг саяб-ҳаракатлари, яхши хислатлари алоҳида мазмун касб этади.

Бу маҳалладагилар ҳам саранжом-сарийшта, батариб, меҳмондўст, бир-бирларига меҳрибон, одамшаванда, саховатли инсонлардир. Маҳалладаги ёшларнинг ҳар бири ҳам меҳнат бамаслаҳат ўтказилади. Ҳашарлар режа асосида, уюшқоқлик билан бўлади. Бундан ташқари, маҳаллада ёшлар билан ишлашга алоҳида эъти-

бор қаратилади. Ибратли инсонлар, таникли адиб, санъаткорлар билан учрашувлар уюштирилади.

Айниқса, келажакимиз давомчилари бўлган ёшларнинг билимли, жисмонан баркамол бўлиб ўсишлари ҳамда буш вақтларини беҳуда ўтказмасликлари йўлида маҳаллада болалар спортини ривожлантиришга кенг ўрин берилган. Бугунги кунда маҳалла ўз футбол майдонига эга, бу ерда спортнинг кўпгина турлари бўйича тўғрақлар ишлаб турибди.

— Маҳалламизда, — дейди оқсоқол Яшин ака Холдоров, — бир неча турдаги тадбиркорлик фаолияти юритилмоқда. Эътиборли томони, 20 нафарга яқин фуқаролар шу ернинг ўзида иш жойи билан таъминланган.

Маҳалла фуқароси, тадбиркор Маҳкамжон Курбонов «Бошлик» маҳалласида унинг ишга тушириб, маҳалладошларига бир қатор

қулайликлар яратишга муваффақ бўлди. Хизмат уйи маҳалла кўмитаси жойлашган бинодан жой олди ҳамда замонавий тарзда, чиройли қилиб таъмирланди. Бу ерда аёллар ва эркеклар саргардонхоналари, радиотехникаларни таъмирлаш ҳамда пойабзаллар устонахоналари аҳоли хизматида. Мазкур маҳаллий хизмат уйига Роза Фахрутдинова раҳбарлик қилади.

Яна бир маҳалла тадбиркори Маҳмуджон Аҳмедов макорон цехини очган. Турли хилдаги сифатли, нисбатан арзон маҳсулотлар маҳалладошларни мамнун этмоқда.

— Тадбиркорларимиздан Нодирахонни алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди маҳалла оқсоқоли, — бу тиниб-тинчимас, меҳнаткаш, давр билан барабар кадам ташлайдиган аёлни ҳамма билди ҳурмат қилади. Чунки у бекатнинг орқасидagi ташландик, ахлат-

хона жойни ўз кучи, маблағи билан тозалаш, тартибга келтириш ва у ерда озиқ-овқат дўкони, сомаҳона, енгил овқатлар тайёрланадиган емакхона ҳамда новвойхоналарни ишга тушириб, маҳалланинг 5-6 нафар ёшларига иш ўринлари яратди.

«Излаган имкон топади» деб халқимиз бекорга айтмайди. «Бошлик» маҳалласи оқсоқоли Яшин аканинг доимо маҳалладошларининг дарди билан яшаши, у ерда амалга оширилган ишларга бош-қош бўлиши, таъаббускорлиги маҳалла ободчилига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Кекса-ю ёш бир-бирига суяниқ бўлиб яшаётган гўшада маҳалла аҳли фаровонлиги йўлидаги режадаги эзгу ишларда тадбиркорларга омад тилаб маҳалладан қайтдик.

Муҳаддас УМАРБЕКОВА

Ишга марҳамат

Касбим — фарим

Миллий аъналарни сақлаган ҳолда замонавийликни уйғунлаштирган безак маҳсулотлари бўлган узук, зирак, биланузук, тўғноғич, занжир, соат каби тақинчоқлар ҳар қандай ўзбек киз-жувонларининг хуснига хусн қўшибгина қолмай қайфиятларини ҳам кўтаришга мўйил. Буни мен ёшлигимдаёқ тоғамнинг устаконасида аниқ ҳис қилганман.

9-10 ёшлигимда ота-онам розилиги билан ёзги таътилда уларнинг ишларини ўрганишга келганман. Улар табиатан оғир-босиқ феъл-и, лекин кескин сўзли инсонлар. Орадан йиллар жуда тез ўтди. Бу орада мен тоғамнинг энг яхши шогирдлари сафидан қўй олдим.

Бундан ташқари ушбу касб сир-асрорларини Собир Раҳимов касб-хунар коллежида таҳсил олиш давомида устозларимдан ўргандим.

Мен заргарларимизнинг кўли гул, бетакорор мўъжизалар яратиб келаётганидан, ноёб истеъдод соҳиблари эканликларида завқланман ҳамда доимо фахрланаман. Касбим машаққатли, шу билан бирга жуда завқли. Айниқса, янги бир маҳсулот устида тинимсиз ишлашсан, кечалари ҳам уйқунг қочади, турсанг ҳам, ўтирсанг ҳам фақат ҳаёлингизда ўша яратяётган «асаринг». Янглишмадим, ижод қилган нарсанг худди асар каби «дунёга келади». Ижодинг мевасини кўргач эса барча чарчоқларинг бир зумда чиқади-кетди.

Утган ўн ой мобайнида маҳалла назорлари ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда 6 марта меҳнат ярмаркаларини ўтказдилар ва унда 100 нафардан зиёд фуқаролар ишга ва ўқишга йўналмаган билан таъминландилар. Айниқса, «Катта Қозиробод», «2-Чарк Камолон», «Наққош» каби маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари ўз ёрдамларини аямдилар. Маҳалла назорларида Разно Исмоилова, Малика Мунинова, Лена Голубова сингари ўз касбининг жонқуярлари меҳнатлари алоҳида таҳсинга сазовор. Ҳар бир ишда унумли меҳнат, изланиш ўз самарасини бермай қолмайди.

— Айтинг-чи, Обод маҳалла йили муносабати билан меҳнат бўлими ва тумандаги маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?

— Юртбошимиз ташаббуслари билан жорий йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилинишидан, назаримда маҳаллаларимизнинг наин-

ки, озода, чиройли, обод бўлиши, балки унда яшовчиларнинг янада фаровон, тўқин-сочин, тинчлик-хотиржамликда умргузаронлик қилишлари кўзда тутилган, албатта. Бундай ҳаётга эса шубҳасиз меҳнат эвасига эришилади.

Утган ўн ой мобайнида маҳалла назорлари ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда 6 марта меҳнат ярмаркаларини ўтказдилар ва унда 100 нафардан зиёд фуқаролар ишга ва ўқишга йўналмаган билан таъминландилар. Айниқса, «Катта Қозиробод», «2-Чарк Камолон», «Наққош» каби маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари ўз ёрдамларини аямдилар. Маҳалла назорларида Разно Исмоилова, Малика Мунинова, Лена Голубова сингари ўз касбининг жонқуярлари меҳнатлари алоҳида таҳсинга сазовор. Ҳар бир ишда унумли меҳнат, изланиш ўз самарасини бермай қолмайди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА суҳбатлашди. СУРАТЛАРДА: туман меҳнат бўлими фаолиятдан лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

Шаҳримиздаги Миробод Саноат касб-хунар коллежида ёшларга саккизта йўналиш бўйича кўлаб касбларга кунт билан сабоқ берилмоқда.

Алишер Ҳамидов олган сурат.

Ҳозирги кунда мустақил ижод билан бандман. Заргарлик касби нафақат топкирик, ижодкорликни, балки жуда катта кунт, сабр-қаноат ва меҳнатни талаб қилади. Шу билан бирга, ҳар бир маҳсулот эстетик дид, нафосат билан қамалган. Ҳаридорни ўзига жалб қилиши мумкин. Бир неча йил хусусий фирмада фаолият юритдим. Кўплаб бюртмаларни бажаришимга тўғри келди. Ишим анчайин машаққатли бўлишига қарамай, нозиктаб устозларим изидан бориб анча муваффақиятларга эришдим. Улардан касбимнинг нозик томонларини кунт билан ўзлаштирдим. Ҳақиқатимиз орасидан чиққан хунармандлар сулоалари ота-болалар изидан бориб, энг мураккаб шаклларида бажариладиган ишлар бўйича етук мутахассислар даражасига етганлар. Бугунги кунда, тезкор техника асрида ҳам бизнинг хунаримиз кўпчиликни қизиқтиради, маҳсулотларимиз харидордир, бу мен учун аҳамиятли, албатта.

Тенгдошларимга, умуман ёшларга тилагим битта. У ҳам бўлса, хунар ўрганишин. Илм олиш билан бирга хунар ҳам ўрганилса, ҳаётда ўз ўрниларини топишлари, эл-юртига керакли инсон бўлишлари, энг асосийси, жамиятга ҳам фақат фойда келтиришлари турган гап. Бунинг учун эса меҳнат қилиш, бўш вақтни беҳудга сарфламаслик керак.

Собиржон РЎЗИЕВ, хунарманд.

Сўраш, жавоб берамиз

ИШ КУНИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

Қонунимизда байрамолди кунлари иш вақтининг муддати қандай белгиланган?

Байрам кунлари бажарилган ишлар учун компенсация ҳамда ҳақ тўлаш тўғрисида ҳам маълумот берсангизлар.

Сардор, Шерзод Ҳакимовлар, Сергели тумани.

Меҳнат Кодексининг 121-моддасига асосан байрам кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади. Бу тартиб қисқартирилган ёки тўлиқсиз иш вақтида ишлаётганларга ҳам тегишли.

Меҳнат Кодексининг 157-моддасида байрам кунларидаги ишлар учун ҳақ тўлаш тартиби кўрсатиб ўтилган.

Байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдоридан ҳам тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида белгиланади.

АРИЗА БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛИНСА...

Мен кичик корхона раҳбариман. Меҳнат низоосини кўришни сўраб кимлар судга муружаат қилиш ҳуқуқига эга?


Баҳодир Умаров, Мирзо Улуғбек тумани.

Қуйидагилар меҳнат низоосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга муружаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар:

а) ходим, касбаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи;

б) меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори;

в) иш берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорида рози бўлмаган тақдирда, шунингдек, унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича; г) прокурор.



Шаҳримиздаги Миробод Саноат касб-хунар коллежида ёшларга саккизта йўналиш бўйича кўлаб касбларга кунт билан сабоқ берилмоқда.

Алишер Ҳамидов олган сурат.

Муҳожаза

УҚУВЛИНИНГ ИШИ БЕШ

Инсоннинг қадр-қиммати ўзининг қилган яхши ишларидан келиб чиқади. Орамизда шундай инсонлар борки, улар касб-хунарлари орқали, меҳнатлари тўғрисида эл-юртда обрў-эътибор топадилар ҳамда юксак мартабага эришадилар.

Шарқда азал-азалдан эркекларнинг ўрни бўлакча бўлган. Айниқса, оилада ўғил болалар тарбиясига алоҳида аҳамият берилган. Уларга ёшлагидан бирор-бир касб-хунар ўргатилган, меҳнаткаш, уқувли қилиб ўстирилган. Хонадон соҳибига эса уйидагиларга таълим ўтказишга олган ҳамда фарзандларига ҳар томонлама ибрат қилиб кўрсатилган.

Биз оилада 5 ўғил, 3 нафар қиз тарбияланганмиз. Ҳозир ўйлаб қарасам, отам жуда серғайрат, уздабурон бўлиб, қўларидан келмаган иш йўқ эди ҳисоби. Уй-жой қурилиши, кўпгина жиҳозлар ясаш, таъмирлаш, дарахту гуллар экишдан бошлаб уларнинг парвариши, қисқаси, уйимиздаги ҳамма ишларни четдан ёрдамсиз ўзлари қойилмақом уйдларидилар.

Шу билан бирга, мактабда ўқиб юрган кезларимизда дарсларимизни ҳар кўни текшират, ҳар биримиз билан алоҳида суҳбатлашиб, уй юмушларимизни ҳам кузатиб борадилар. Ҳаммамизнинг қизиқишимизга қараб тўғрақларга боришга рағбатлантиридилар. Айниқса, ака-укаларимга «Игит кишига 40 хунар ҳам ози» деб таъкидлашни ёқтиридилар.

Йиллар бир-бирини қувиб, ўтди, ҳозирда ҳаммамиз уйли-жойли, бола-чақали бўлдик. Барчамиз баҳоли қудрат рўзгор тебратаяпмиз, фарзандларини тарбияляпмиз. Ҳар сафар болалигимиз ўтган қадрларни гўшамизда йиғилганимизда пире бадавлат отажонимиз ҳамда онажонимизга миннатдорчилик билдирамиз. Чунки мунистгина онамдан саранжом-сарийшталикни, пазандалик, тежамкорлик, вазиимлик, бағрикенгликни, жафокаш отажонимиздан эса ғайратли, қатъиятли, қизиқувчанликни, бошлаган ишни охирига етказиш каби хислатларни юқтирганмиз.

ОИЛА БОШЛИГИ
УДДАБУРОН БЎЛСА...

Ҳозирда кўпчилик аҳоли баланд қаватли уйларда яшайди. Мазкур уйлар жуда кўп қулайликларга эга бўлиб, хонадон эгалари эркекларнинг бўш вақтлари ҳам кўпроқ бўлиб, кўнглидагидай режаласан, аини мудлао бўлади...

Яқинда «дом»да яшайдиган бир танишимнинг уйига зарурат юзасидан боришга тўғри келиб қолди. Аввал сиз қўқиб, боришимдан огоҳ қилдим. Йўлакдан кириб унинг батарибидан кўнглим ёришди. Юқорига, танишим яшайдиган қаватга кўтарилсам, хонадон оstonасида чўлтоқ супурги ва целлофан пакет турарди. Кўнғироқни босдим. Эшикни танишимнинг ўзи очди ва ичкарига таклиф этди. Киргач, икки қаватли (кўп қаватли уйларда кенг урф бўлган темир) эшикни ёпмоқчи бўлиб тутқични ушлагандим, у қўлимда қолди...

Минг ҳижолат билан уни жойига амаллаб қўйиб хонадон соҳибасига юзландим. Аёл эрининг жуда бандлигини, агар вақти бўлса ҳам бирон-бир ишни эшлай олмаслигини айтиб, мени ошхонага бошлади. Киравериш ҳам, ошхона ҳам бетартиб, ҳамма нарсалар ёйилиб ётарди. Танишим ўтиришга таклиф этди, омонатгина ўтир-

моқчи эдим, шу пайт стул қаттиқ гичирлаб кетди. Мен ярқ этиб хонадон эгасига қаралдим, у эса пинагини ҳам бузмай мен билан сўраша бошлади. Шу орада хоналардан билан болалар товуши ва тарақа-туруқ овозлар эшитилиб қолди. Ҳайрон бўлгандим, танишим яна эридан шикоят қила кетди:

— Пул топиб, ақл топмаган-ла, уйимизни таъмирлайлик, янги жиҳозлар сотиб олайлик десам, нукул аввал уй туттишни ўрган, деб кўзимни очирмайдилар...

Минг афсуски, ҳозирги кунда замонавий эркекларимизнинг кўпчилиги хонадонларидидаги сув жуғрақлари, эшик қуфларини тўғрилаш, ме-белларни эмас, оддий уй жиҳозларини, ҳатто безамол тузатишни ҳам эшлай олмайдилар. Шу ишларга ҳам уста қақчирилади ёки кўни-қўшниларга муружаат қилинади. Аммо юқоридаги воқеа бизнингча халқимизнинг «Қарс икки қўлдан чиқади» деган нақлига тўғри келади. Йўлда кета туриб, ўзимча мулоҳаза юрита бошладим. Мазкур хонадон эгалари олий маълумотли, уч нафар фарзандлари бўла туриб, туриш-турушлари мени таажжубга солди. Энг қизиғи, топиш-туттишлари яхши, уларнинг яна бир квартира сотиб олмоқчиликларини ҳам ўз оғизларидан эшитгандим...

«БАРАКА ТОПИНГ,
УСТА ЭКАНСИЗ»

Идорамизда таъмирлаш ишлари низоосига етганига кўп вақт бўлгани йўқ. Йўлакча, хоналардан олиб чиқилган мебель, турли жиҳозлар, гултузаклар, иш қозғалари, қўйинг-чи, барча ишхоналарда мавжуд бўлган «тақир-туқур»лар билан тирбанд бўлди. Бунинг устига оҳақ, лак-бўёқлар—курлиш ашёларини айтмайсанми. Махсус кийим-бош кийган курувчилар бригадаси билан бирга ишга келамиз, бўш жойни топиб, мақоалар ёзишга тушамиз. Чунки таъмирлаш ишлари муносабати билан ишимиз бир кунга ҳам тўхтамайди.

Жамоадорлар шу даврда ҳар доимгидан ҳам жипслашдилар, десам муболага бўлмайди. Раҳбаримиздан тартиб, ишга яқинлида келган ёшларга ҳамма бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилдик. Ниҳоят шиддат билан бошланган иш ҳам низоосига етди. Узоқ йиллардан буюн идорамизда ишлаётган табиатан оғир, камгап ҳайдовчимиз бутун жамоани лол қолдирди...

Яъни, ҳайдовчимиз асосий ишларидан бўш вақтларида йўлакларни бўшатиш, хоналарга қайтадан мебель ва бошқа жиҳозларни олиб кириб жойлаштириш, кўпгина эшикларга қулф ўрнатиш, электр асбобларининг, мебелларнинг таъмирталабларини қисқа муддатларда қўлдан чиқариш ишларини жуда ўринлидирлар. Уларни барчамиз «Барака топинг, қўлингиз гул экан» деб алқадик.

Қани энди ҳамма йигитларимиз улар каби қўли гул, улдабурон бўлсалар! Мустақиллигимиз шарофати билан давлатимиз томонидан ўрта махсус, касб-хунар коллежларида ёшларимизга ўнлаб хуналарни ўргатиш имкониятлари мавжуд. Қулай шaroитдан фойдаланиб, ёшларимизнинг хунари, илмли бўлишлари ҳамда келажакда оилалари, маҳалла-қўй, худда, жамиятимизга нафлари тегиши, албатта қувончли ҳолдир. Чунки ёшларимиз ҳаётимиз давомчилари, келажакимиз пойдеворлари ҳамдир. Келажакимизнинг қанчалик ёрқин, фаровон, пойдеворимизнинг эса мустаҳкам бўлиши уларга боғлиқ.

Муяссар АБДУРАСУЛОВА

Шарқ дурдоналари

ОЗОН УЛАНИБ
ДОМО БУЛУР...

● Яхшилик — яхши ном келтирувчи, қарам ва саховат эса кишини бахтиёр қилгувчидир.

● Тан соғлиқ — туман бойлик.

● Саломатликнинг баҳоси ҳеч қачон пасаймайди, чунки саломатлик йўқ жойда на фароғат ва на ҳаловат бор.

● Соғлиқ — олтиндан қиммат.

● Бахт, энг аввало соғлиқ демакдир.

● Саломатликни сақлаш ҳамда турли хил касалликларнинг олдини олишда бадантарбия ва ҳаракатдан яхши восита йўқ.

● Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.

РИБОЯТ. Бир подшоҳ қабзиятга йўлиқиб, таҳорат олишга жуда қийналибди. «Ким мени бу касалликдан қутқарса, салтанатимни ўшанга бераман», дер экан. Бу сўзни эшитган Оллоҳнинг сеvimли қулларидан бири подшоҳ олдиға келиб, унинг қорнини силабди, подшоҳ шифо топибди. Подшоҳ: «Бу тахтга ўтир, бутун салтанатим сенга», дебди.

Ул одам: «Йўқ, сен ўз макмингда ўтир, фақат унинг қиймати, ҳаддини бил. Бу дунёнинг зарра қадар қиймати йўқ. Бир кўза сув каби тугайди. Агар уни ича олмасанг, саломатлигингни берасан, ичиб чиқара олмасанг ҳам салтанатингни берасан. Шунинг учун у бир кўза сув қабиридир, деб айтибди.

Байт:
Сихат тиласанг кўп ема,
Иzzат тиласанг кўп дема.

● Хасис одам ҳатто ўзи учун зарур бўлган неъматларга ҳам зиқналик қилади.

● Хасислик ва гаразгўйлик кишилардан энг муқаддас туйғулар — Ватанга муҳаббат, оилага муҳаббат, яхшилик ва покликни ҳам тортиб олади.

● Хасислик қалбни қурилади.

● Хасислик қанча кучли бўлса, раҳм-шафқат шунча кучсиздир.

● Одамларнинг олижаноби ўзига нисбатан одамларда муҳаббат уйғотишга уринувчи, одамларнинг бахили эса ўзига нисбатан дўстларда нафрат туғдирувчи кишидир.

● Бахиллик бир тикан, агар у кимга ботса ўлдирмай қўймайди.

● Эй оқил, ҳасад ва бахиллик кучидан қоч. Ўзгаларга доимо мадад қилини чўз. Зеро, ҳасад ва рақшдан ҳеч ким фойда кўрмаган. Аксинча, эл орасида хору зор бўлиб, эътибордан четда қолган.

● Ҳар қандай оловни сўндириш мумкин. Аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.

Байт:
Сахий дема саховатига
Бирор талаб қўйса
гар одам.
Сахийликмас, бу
очкўз, бахиллик
Бунда йўқдур шараф
ва қарам.

Матнов топиблари

«SPI»НИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «TASHKENT TEA FACTORY» қўшма корхонаси Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган халқаро танловда диплом ва олтин медаль билан тақдирланди.

Ушбу халқаро танлов ишлаб чиқариш кўллаб-қувватлаш (SPI) ассоциацияси томонидан ташкил этилган бўлиб, унда юзга яқин ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этишди. Мукофотни корхона бош директори Абдорхўжа Аҳмедовга ассоциация президенти Бернар Муссон «Люмьер» тарихий биносидан ўтказилган тантанали маросимда топширди.

Албатта, бундай юксак мукофотга корхона тадбиркорлари изланиш ва интилиш, аҳоли дастурхонига замонавий дастгоҳлар ёрдамида қадоқланган 10 хилдаги сифатли «Тошкент», «Импра» ва «Ақбар» чойларини етказиб бериш орқали эришдилар. Ҳозирда корхонада қадоқланаётган лаззатли ва ҳуштам чой маҳсулотлари ҳар бир хонадонга кириб бориб, мамлакатимиз

ички бозорида ўз ўрнига эга бўлди. Эндиги мақсад эса жаҳон андозалари талаблари асосида қадоқланган маҳсулотни хорижга экспорт қилишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ташкил этилганига 3 йил бўлган ушбу жамоа аҳли ютуқлари эътиборга сазовордир. Қадоқланиш сифатиға берилган эътибор боис 2001 ва 2002 йиллар якуни бўйича шахримизда ўтказилган танловда корхонанинг «Тошкент» чойи «Йилнинг энг яхши чойи» деб топилган бўлса, ўтган ва жорий йилда республикада ўтказилган INTER FOOD халқаро кўргазмасида голиб топилиб «THE BEST TEA FLAVOUR» медалларини олишга муваффақ бўлди.



Сирасини айтганда, Тошкентда қадоқланаётган ҳушбўй чой маҳсулотининг медаллар шодаси йил сайин ортиб бормоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: Бернар Муссон корхона бош директори Абдорхўжа Аҳмедовга голиблик дипломи, олтин медаль ва кўкрак нишонини топшириш пайтида.



Хайрли ташаббус

Болалар ўртасида спортни ривожлантириш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида Болалар

жой кўп қаватли уйлар орасида 20 йилдан буён қаровсиз, бўш ётган эди. Қисқа фурсатда туман ҳокимлиги, тах-

спорт мажмуасида ўтказишди. Ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланадилар.

Спорт мажмуасининг тан-

танали очилиш маросимида туман ҳокими Р.Пўлатов, Республика Оқсқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Га-

дойбоев, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали раиси А.Толибжоновлар сўзга чиқиб, маҳалла аҳлини спорт комплексининг очилиши билан қутлашди, болаларга спорт кийим-кечаклари, анжомлари совға қилишди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон мустақиллиги»

маҳалласида бунёд этилган

спорт-соғломлантириш

мажмуасининг очилиш

маросимидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов

олган суратлар.

МАҲАЛЛАДА —
СПОРТ МАЖМУАСИ

Бундан бир йил муқаддам Президентимиз Фармонига биноан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгач, кўллаб хайрли ишларга қўл урилди. Янги замонавий спорт майдончалари барпо этилмоқда, эскилари қайта таъмирланмоқда.

ририят, маҳалла ва ширкат ходимлари ҳамкорликда кўллаб ҳашарлар уюштириб, ана шу ташландиқ, ўнқир-чўнқир жойни кафтдек текис майдонга айлантиришди ва бу ерда барча қулайликларга эга спорт-соғломлантириш мажмуаси қад ростлади. Спорт мажмуаси чим билан қопланган футбол майдони, баскетбол, волейбол, стол тенниси майдончалари, узунликка ва баландликка сакраш сектори, югуриш йўлакчалари, тренажёр майдончаларидан иборат. Эндиликда «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи ёшлар бўш вақтларини ушбу

диринг, маҳалла ва ширкат ходимлари ҳамкорликда кўллаб ҳашарлар уюштириб, ана шу ташландиқ, ўнқир-чўнқир жойни кафтдек текис майдонга айлантиришди ва бу ерда барча қулайликларга эга спорт-соғломлантириш мажмуаси қад ростлади. Спорт мажмуаси чим билан қопланган футбол майдони, баскетбол, волейбол, стол тенниси майдончалари, узунликка ва баландликка сакраш сектори, югуриш йўлакчалари, тренажёр майдончаларидан иборат. Эндиликда «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи ёшлар бўш вақтларини ушбу

диринг, маҳалла ва ширкат ходимлари ҳамкорликда кўллаб ҳашарлар уюштириб, ана шу ташландиқ, ўнқир-чўнқир жойни кафтдек текис майдонга айлантиришди ва бу ерда барча қулайликларга эга спорт-соғломлантириш мажмуаси қад ростлади. Спорт мажмуаси чим билан қопланган футбол майдони, баскетбол, волейбол, стол тенниси майдончалари, узунликка ва баландликка сакраш сектори, югуриш йўлакчалари, тренажёр майдончаларидан иборат. Эндиликда «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи ёшлар бўш вақтларини ушбу

ЖАМОАТЧИЛИК
ВА ҚОНУН


Юнусобод тумани ҳокимлигида «Экосан» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллигига бағишланган «Экологик қонунларнинг бажарилишида жамоатчиликнинг ўрни» мавзусида учрашув ўтказилди.

— Учрашув экологик билимларни тарғиб қилиш, аҳолини атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунлардан бохабар этиш асносида жамоатчиликнинг экологик ҳуқуқ борасидаги саводхонлигини ошириш, қонунлар ижросида, янги қонунлар қабул қилинишида уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилди, — деди тадбирда сўзга чиққан Юнусобод тумани ҳокими Равшан Пўлатов. — Ўзбекистон Конституциясида атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга оид асосий метёрлар белгиланган. Шунингдек фуқароларнинг экологик ҳавфсизлигининг ҳуқуқий кафолатлари ва уларнинг мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган. «Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида»ги қонун эса экологик муносабатларни тартибга солувчи асосий воситадир. Умуман олганда, мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасига доир 80 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

Р.Пўлатовнинг таъкидлашича, мажкур қонунларнинг бажарилишида жамоатчиликнинг ўрни беқийс ҳисобланади. Бунинг учун жамоатчиликнинг ўзи қонунларни билиши зарур. Давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан экологик маълумотлар аҳолига тўлиқ етказилиши лозим. Бу аҳолининг табиат ўзгаришлари ва таъсирини камайтириш борасидаги ҳатти-ҳаракатлари фаоллашувиға олиб келади.

Тадбирда сўзга чиққан туман маҳаллалари фаоллари, экологик-юрислар атроф-муҳит ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчиликни жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш, экологик қонунчиликни бажарилишида жамоатчиликнинг роли ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

«Туркистон-пресс»



ПОЙТАХТ ФИЛИАЛЛАРИ: 9 ОЙЛИК ЯКУНИ ВА РЕЖАЛАР

НАТИЖАЛАР ҚУВОНАРЛИ

Миллий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг белгиланган вазифаларини бажара бориб, ўз фаолиятини Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан ишлаб чиқилган пул-кредит сиёсатини амалга оширишда салмоқли ютуқларга эришмоқда.

2003 йилнинг 9 ойида Миллий Банкнинг Тошкент шаҳар Бош Бошқармаси ва унинг тасарруфидаги филиаллар фаолиятида сезиларли ижобий силжишлар қайд этилди. Бу давр ичида банк хизматлари бозорида муассасанинг мавқеи янада мустаҳкамланиб, режалаштирилган молиявий натижаларга эришилди. Бош бошқарма бўйича 2003 йил 1 октябрь ҳолатига жами активлар 345 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан даромад келтирувчи активлар 261.1 миллиард сўмни ташкил этди. Банк активларининг асосий улуши (62,2 фоиз) миллий валютадаги амалиётларга тўғри келади, миллий валютадаги банк активлари 230.7 миллиард сўмни ташкил қилди.

2003 йилнинг 9 ойлик якунларини таҳлил қилганда, аввало, банкнинг ўз шериклари билан ҳамкорлиги кенгайганлигини айтиш жоиз. Бу борадаги фаолият, ўз навбатида, мижозлар сонининг янада кенгайишини, банк маҳсулотлари ва технологиялари мажмуининг муваффақиятли жорий этилишини, банк менежменти тақомиллашуви таъминлади. Банк фаолиятининг асосий йўналишлари аввалги йиллардаги сингари иқтисодиётнинг аниқ секторига, кичик ва ўрта бизнесга тегишли корхоналар билан иш олиб бориш, мижозлар сони, таклиф этиладиган хизматлар миқдосини оширишга қаратилди.

Банк фаолиятидаги бош вазифалар экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарилишини ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш, кенг доирадаги ва юқори сифатли банк хизматларини амалга оширишдан иборат.

Мижозлар билан ҳамкорлик сиёсати ўтказишдаги изчиллик, улар билан доимий амалий мулоқот, муаммоларига бўлган эътибор, қарорларнинг тезкор қабул қилиниши ва ахборот очиқлиги ўтган йили банк мижозлари таркибининг сезиларли равишда ўсишига олиб келди.

МИЖОЗЛАРГА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ

Қўлга киритилган молиявий натижалар шунинча яна бир бор тасдиқладики, Миллий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси пойтахтдаги барқарор банклардан бири сифатида мижозлар ишончини тўла сақлаб қола олди.

Ўз универсаллиги ва барқарорлигини амалда тасдиқлаган, Тошкент шаҳрининг энг йирик универсал кредит муассасаларидан бири бўлмиш ЎзР ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси мижозлар учун кенг қамровли хизматлар кўрсатишни ташкил этишга, яъни ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга банк хизматларининг барча турларини тақдим қилишга катта эътибор қаратди. Ҳар бир мижозга алоҳида ёндашиш тамойили устуворлик қилган ҳолда, банк мутахассислари рақобатбардош хизматлар кўрсатишга интилиб, янги банк маҳсулотларини мижозлар эҳтиёжларига мослаштиради.

Корпоратив мижозлар сони ҳисобот даври бошига нисбатан 12,5 фоиз, ёки 932 тага кўпайиб, ҳисобот даврида 8356 тани ташкил этмоқда.

Миллий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси тўлов карточкалари бозорида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўлов тизимини ташкил этишда ҳам самарали ишляпти ва бугунги кунда бу борада етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Муомалага чиқарилган сўм пластик карточкалари сони 2003 йилнинг 1 октябрга қадар 50.636 тага етказилди, бу — йил бошидагига нисбатан 42,0 фоиз кўпдир.

Сўм пластик карточкаларига хизмат кўрсатадиган савдо ва сервис корхоналарининг сони 2003 йил бошидаги 193 тадан жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 232 тага етказилди. Улар орқали пластик карточка эгаларига ҳисобот даври ичида 1 миллиард 597,1 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатилди.

Банкоматлар орқали 2 миллиард 790.1 миллион сўм тарқатилди. Ҳозир Тошкент шаҳрида 31 та банкомат ишляпти. Бу йил метро бекатларига 6 та, Давлат Солиқ қўмитасига, Давлат Божхона қўмитасига, Молия вазирлигига, "Шарқ-Мир" супермаркетига, "Дойче-Кабель" қўшма корхонасига ва "Тоштўқимачи" очiq турдаги акциядорлик жамиятига банкоматлар ўрнатилди.

Бу борадаги фаолиятнинг истиқболли йўналишларидан бири тўлов карточкалари бўйича қўшимча хизматлар мажмуини ривож-

лантириш бўлиб қолмоқда. Яъни мижозлар учун қулай хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини кенгайтириш; автомобилларга ёнилғи қуйиш шохбчаларида юридик ва жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига хизмат кўрсатишни жорий этиш; савдо-сервис нуқталари, дўкон ва супермаркетлар, нақд пул бериш нуқталарини қамраб олиш, шунингдек, коммунал хизматлар, халқаро ва маҳаллий телефон сўзлашувлари, жарималар, сафар харажатлари учун тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда банкда хизмат кўрсатиш бепул бажарилади.

Банк «VISA» ҳисоб-китоб тизимларининг энг нуфузли тармоқларига аъзо бўлиб, у жаҳондаги энг катта эмитентларнинг йўл чекларини тўлов учун қабул қилади ва чиқаради.

Хорижий валютадаги VISA пластик карточкалари сони йил бошидан бери 18,0 фоиз кўпайиб, жами 3.731 тага етказилди.

Тошкент шаҳри фуқароларига қўшимча хизмат турларини кўрсатиш мақсадида ЎзР ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси филиалларида «WESTERN UNION» тизими бўйича жисмоний шахслар маблағларини хорижий валютада тўлаш учун халқаро пул ўтказиш тизими ишлаб келмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида «WESTERN UNION» халқаро тезкор пул ўтказиш тизими орқали 5563 мижозга 2.898.654,8 АҚШ доллари келиб тушган ва 611 мижознинг 793.424,9 АҚШ доллари чет элга ўтказиб берилган.

Ўқоридагилар билан бир қаторда 2002 йилда Миллий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси аҳолидан коммунал хизмат ва бошқа тўловларини қабул қилиш тизимини муваффақиятли йўлга қўйди ва бу борада аҳолидан 2003 йил 9 ойида 137.496,3 минг сўм миқдорида тўловлар қабул қилинди. Аҳолига коммунал ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар имзоланган.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Банкнинг миллий валютадаги кредит портфели январь-сентябрь ҳолатига 41,5 миллиард сўмни (брutto) ташкил этди, шундан 15.2 миллиард сўм (36.6 фоиз) қисқа муддатли, 5,7 миллиард сўм (13.8 фоиз) ўрта муддатли ва 20.6 миллиард сўм (49.6 фоиз) узоқ муддатли кредитлардир. 9 ойида миллий валютада умумий қиймати 31,5 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун банк томонидан 15.677,7 миллион сўмлик кредит ажратилди, бу йил бошидан бери берилган жами кредитларнинг 44,4 фоизини ташкил қилади. Мазкур кредитлар халқ ҳўжалигининг қуйидаги тармоқларига жойлаштирилди: - саноат (25,3%), - қишлоқ ҳўжалиги (12,3%), - савдо-сотиқ (18,8%), - қурилиш ва маиший хизмат (36,4%), - бошқа тармоқлар (7,2%). Банкнинг ўз соф фойдаси ҳисобига ташкил қилинган имтиёзли кредитлаш фондидан 2003 йилнинг 9 ойида 2.8 миллиард сўмлик 67 та кредит берилди.

2002 йилда банк томонидан юридик шахс ва хусусий тадбиркорларга миллий валютада 254,8 миллион сўмлик микрокредитлар берилди, шундан 144,3 миллион сўми имтиёзли кредитлаш фонди ҳисобидан.

2003 йилнинг июнь ойидан бошлаб Миллий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси кредитлашнинг янги тури бўлмиш автокредитларни тақдим этишни йўлга қўйган. Ҳисобот йилининг 9 ойи давомида аҳолига умумий қиймати 324.3 миллион сўмга тенг автокредит берилди.

2003 йилнинг 9 ойи давомида олиб борилган кредит лойиҳаларини таҳлил қилиш ва танлаб олиш ҳамда кредит хатарларини қисқартириш мақсадида аниқ чора-тадбирларнинг амалда қўлланилиши кредит портфелининг сифатини яхшилаш имконини берди.

Мамлакатимизнинг муҳим халқ ҳўжалиги лойиҳаларини кредитлашдан ташқари, банк ўз мижозларига экспорт-импорт амалиётларини қўллаб-қуватлашнинг турли воситалари — банк кафолатлари, факторинг операциялари орқали молиялаш каби хизматларни тақдим этди. 2003 йилнинг 9 ойи давомида банк ўз мижозларига 1.76 миллиард сўмлик факторинг хизматларини кўрсатди ҳамда банк томонидан миллий ва хорижий валютада корхоналарга кафолат ва кафилликлар берилди.

Миллий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси келгусида ҳам мижозлар базасини ривожлантириш ва диверсификациялаш, банклараро ҳамкорлик соҳасидаги фаолиятини, шунингдек, чакана бизнесни ривожлантиришни давом эттиришни ҳамда шу орқали замонавий банк бозорининг барча сегментларидаги иштирокини янада кенгайтириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Б.ХОШИМОВ,
Миллий банкнинг
Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси бошлиғи.

Спорт

Анъана
давом этади

Республика «Талаба» уюшмаси ташаббуси билан ўтган йили хайрли тадбир уюштирилганди. Яъни олий ўқув юрталарида тахсил олаётган талабалар жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича мамлакат биринчилиги бахслари ўтказилганди.

Жорий 2003-2004 ўқув йилида ҳам ушбу чемпионат ташкиллаштирилади-деганди. Кунга кеча ушбу мусобақаларнинг Низоми тасдиқланди. Талабалар ўртасида мини-футбол ривожлантириш, оммалаштириш, Ўзбекистон талабалар терма жамоасини шакллантириш ва уларнинг халқаро мусобақалардаги иштирокини таъминлаш, келгуси йили Испанияда талабалар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси қатнашишига эришиш мақсадида ўтказилиши мўлжалланган ушбу биринчилик бахсларида кундузги бўлимда тахсил олаётган 28 ёшгача бўлган талабалар майдонга тушишди. Ва икки босқичда мусобақалари давом эттиришди.

Сермахсул
учрашувлар

Тошкент шаҳар футбол федерацияси кубоги учун Мирзо Улуғбек туманидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида мини-футбол мусобақалари корхоналар, ташкилотлар, маҳаллалар жамоалари ўртасида қизгин давом этмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, голиб жамоа номи 20 декабрь куни маълум бўлади. Шу кунгача ўтказилган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди. «ЎЗБАТ» — «Қалқон» (Тошкент шаҳар солиқ департаменти) — 6:1, «Забар» («Эски шаҳар» маҳалласи) — «Ипакчи» («Ипакчи» маҳалласи) — 6:1, «Тинчлик» («Тинчлик» маҳалласи) — «Ардуз» — 1:6, «Сладкий мир» — «Тош телеком» (Тошкент алоқа касаба уюшмаси тармоғи) — 9:5, «Мебиок» («Оқ уй» маҳалласи) — «ДНЛ» (жаҳон бўйлаб хат, корреспондентиялар тарқатувчилар) — 4:1. Шу кунгача бўлиб ўтган қизиқарли бахсларда ҳозирча «Сладкий мир» жамоаси бошқалардан кўп очко жамғарган ва голибликка даъвогар бўлиб турибди.

Акбар Йўлдошев

ЛАТВИЯ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг замонавий санъат марказида латвиялик Илмар Знотинш, Юрис Калнинш ва Айварс Лиепиншларнинг «Латвия манзаралари» мавзусидаги фотожўрнамаси очилди.

— Санъатнинг фотография тури лаҳзалик воқеликни ўзида ифодалайди, — деди фотосуратчи Юрис Калнинш «Туркистон-пресс» мухбирига. — Албатта, ҳар бир ҳонадонда оилавий фотосуратлар альбому бор. Альбомдаги фотосуратларни кўздан кечирар экансиз, ҳаётингизда рўй берган воқеаларни эслайсиз. Мен куш парвози баландлигидан шахримни, унинг сарҳадларини фотосуратга туширишни жуда ёқтираман. Шахримнинг ҳар бир бино ва кўчалари, инсонлари менга яқиндан таниш.

Таъкидлаш жоизки, Юрис Калниншнинг «Мафтункор Латвия манзаралари» туркум

фотосуратлари осонликча яратилмаганлигини томошабин яхши ҳис қила олади. У расмсингари сабр-тоқат билан қадимий нақши-нигораларни тадқиқ қилиш ва ранглар уйғунлигини тушунишга интиланган. Фотосуратчи турли учуш мосламалари орқали умумий ва ажойиб деталларни кўра олиш имконига эришган.

Ю.Калниншнинг фотосуратлари Латвия, АКШ, Япония, Швеция, Польша мамлакатларидаги фотосуратчилар тўпламидан ўрин олган.

«Туркистон-пресс»

Осойишталик посбоқлари

Ички ишлар соҳасида ишлаш кишидан чидамли, жисмонан бақувват бўлишни талаб қилади. Бунга эса фақат доимий машқ, тобланиш туфайлигина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ички ишлар ходимлари албатта спорт билан шугулланиладилар.

СПОРТГА МЕХР ҚЎЙИБ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тизимларида хизмат қилаётган милиция ходимлари орасида ҳам спортга меҳр қўйиб, қатор муваффақиятларга эришиб келаётган спортчи ходимлар талайгина. Улардан бири, бош бошқарманинг тергов бошқармаси терговчиси, милиция катта лейтенанти Тимур Мухамедовдир.

Тимур 1978 йилда Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида туғилди. У ўрта мактабни аяло баҳолаб тугатган, ҳеч иккиланб ўтирмай, болалик чоғларидаги орзуси — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академиясига ўқишга кирди. У ушбу ўқув даргоҳида ҳам намунали хулқи ва тиришқоқлиги туфайли тез орада тенгдошлари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Шу боис ҳам уни бўлима сардори этиб тайинлашди. Тимур ўқишдан бўш вақтларини асосан спорт залида ўтказишга ҳаракат қилар, спортнинг футбол, сузш ва кўл жанги турлари билан мунтазам равишда шугулланарди. Т.Мухамедовнинг фанларни ўлаштиришида илғорлиги ва спорт соҳасидаги қатор ютуқларини ҳисобга олиб, академия раҳбарияти, уни бир неча бор муносиб тақдирлади.

Ички ишлар вазирлиги академиясини муваффақиятли тамомлаган ёш, иқтидорли ва сергайрат милиция лейтенанти Тимур Мухамедов дастлабки фаолиятини Ҳамза тумани ички ишлар бошқармаси тергов бўлимида

бошлади. Ҳозирда эса, у Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасида хизмат қилиб келмоқда.

Тимур Мухамедов тиришқоқлиги, ўз устида ишлаши туфайли ҳам доим ижобий кўрсаткичларга эришиб, бош бошқарма раҳбариятининг буйруғи билан бир неча бор раббатланган.

Т.Мухамедов спорт мусобақаларидан ташқари ўз соҳасига оид кўпгина кўрик-танлов ва семинар машғулотларида ҳам иштирок этиб келмоқда. Жумладан, у 2002 йил Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган тергов тизимлари терговчиларининг кўрик-танловида «Энг яхши терговчи» деб топилди.

Тэквандо бўйича 1-ДАН ва джит-кундо бўйича 1-қора белбоғ сохиби, кўл жанги бўйича спорт усталигига номзод Тимур Мухамедов шаҳар, республика ва халқаро мусобақаларда юқори кўрсаткичларга эришиб, фахрли ўринларни олишга сазовор бўлган.

Тимур оилада тўнгич фарзанд бўлганлиги туфайли ҳам ойиси Насиба опанинг яқин маслаҳатгўйи, ишонган суянигидир. Ҳозирда Ички ишлар вазирлигининг академиясида тахсил олаётган ўқиси Азизбек ва синглиси Шохсанамлар ҳам акаларидек ушбу олий даргоҳни аяло

баҳолаб битирган, келажакда эл осойишталиги ва тинчлиги йўлида фаол хизмат қилиш ниятидалар.

Ҳа, орамизда шундай ўзи танлаган касбига меҳр қўйган, порлок келажак сари интилувчан, фидойи ёшларимиз бор экан, қалбимизда юртимизнинг эртанги кунига ишонч ҳисси янада ортаверади.

Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази
инспектори.

СУРАТДА: Тимур Мухамедов
машқ пайтида.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



Тошканбой Эгамбердиев номидаги
Тошкент Давлат цирки
2003 йил 26 декабрдан 2004 йил 11 январгача

ЦИРКДА АРЧА

Болалар! Сиз учун ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида
АЛОВУДДИН ВА УНИНГ ДЎСТЛАРИНИНГ
ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ
ТОМОШАЛАР

26 декабрда: 15.00, 18.00.

27 декабрдан 30 декабргача: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00.

31 декабрда: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00.

1 январдан 11 январгача: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. 50 дан ортиқ чипталар олинмаган бўлса, улар ташкилотларга қўшимча ҳақ тўланмасдан етказиб бериллади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очик.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Салимов Музаф-
фар Бахромович номига 2003 йилда берилган № 1020203 рақамли савдо гувоҳномаси йўқол-
ганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар:

133-28-95, 133-11-39;

факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.

5409 нускада босилади. Қўроғ бичими А-3

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларини почта
булиниларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига
муносабат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиб ва саҳифаланган.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.